

## “Энг етук машинасозлар” кўрик - танлови

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик муносабати билан ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, касбий маҳоратини ва билим даражасини ошириш мақсадида жорий йилнинг 27 август куни “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ҳамкорлигида институтнинг конференциялар залида “Энг етук машинасозлар” викторина кўрик-танлови ўтказилди.



Бу тадбирдан кўзланган мақсад қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида буюртмачи талабларига жавоб берадиган иқтидорли, қобилиятли мутахассисларни танлаш, уларни маҳоратини ошириш ҳамда профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва талабаларнинг янги қишлоқ хўжалиги техникаларини маҳаллийлаштириш жараёнларида қатнашиш, талабаларга таълим олиш билан бир вақтда ишлаш имкониятларини яратиб беришга қаратилган.



**Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**